



КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

Салимов Бекзот Бахтиёрович

Тошкент давлат иқтисодий университетини

ORCID: 0009-0008-3138-6379

btsalimov1948@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесда (КЎБ) инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ҳудудий иқтисодий имкониятлари, хусусиятлари ва инновацион омиллари таҳлил этилган. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодалавчи интеграл индекслар аниқланган ва шу индекслар ёрдамида ҳудудлар кесимида КЎБда инновацион фаолиятни ривожланишида имитацион инновациялардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ўрта бизнес, иқтисодий имконият, инновация, имитацион инновация, мустақил инновация, индекс, интеграл индекс, технологик инновация, инновацион фаолият, ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА

Салимов Бекзот Бахтиёрович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье анализируются экономические условия, особенности и факторы регионального развития инновационной деятельности малого и среднего бизнеса (МСБ). Определены и проанализированы частные и интегральные индексы, определяющие уровень экономического развития регионов, и возможности инновационного развития МСБ в регионах с использованием имитационной инновации.

Ключевые слова: малый бизнес, средний бизнес, экономические возможности регионов, инновации, имитационные инновации, независимые инновации, инновационная деятельность, индекс, интегральный индекс, технологические инновации, уровень экономического развития региона.

REGIONAL OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITY IN SMALL AND MEDIUM BUSINESSES

Salimov Bekzot Bakhtiyorovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article analyzes regional economic opportunities, characteristics and innovative factors of the development of innovative activities in small and medium-sized businesses (SMEs) in Uzbekistan. Integrated indices representing the level of economic development of the regions have been determined, and with the help of these indices, the possibilities of using imitative innovations in the development of innovative activity in SMEs in the region have been determined.

Keywords: small business, medium business, economic opportunity, innovation, imitative innovation, independent innovation, index, integral index, technological innovation, level of economic development of the region, innovative activity.

Кириш.

КЎБ иқтисодий бақарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Статистика Агентлиги маълумотларига кўра 2023 йилда КЎБнинг ЯИМдаги улуши 51,2 фойизни ташкил этган. КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда КЎБ корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги маҳсулот ва хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КЎБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ. Ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражаси ва инновацион имкониятлари кичик бизнес корхоналарини инновацион ривожланишининг бош омили деб қараш мумкин Шу сабабли ҳудудларнинг иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Республикамизда корхоналарни кичик бизнесга ажратишда битта мезондан фойдаланилади товар айланмаси мезони, ишчилар сонига чегара йўқ, фирмалар ортиқча ишчи олиб фирма даромадини ўзгартириши мумкин. Иккинчи мезон сифатида ишчилар сони мезони киритилса мақсадга мувофиқ (Салимов, 2020), саноат комплексида кичик инновацион корхоналарни инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш орқали ривожлантириш саноат комплексини инновацион ривожлантиришда муҳими ўрин тутади (Буланова, Соменкова, Ягунова, 2020; Bokayev, Issenova, 2022), кичик ва ўрта бизнес секторини инновацион ривожлантиришда қўшилган қийматга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш самарадорликни оширишга олиб келади (Biryukov, Romanenko, Ploskonosova, 2016), технологик инновацияларни инновацияда қатнашувчи субектла бўйича қараганда уч турга бўлиш мумкин: мустақил инновациялар, имитацион инновациялар ва биргаликда ишлаб чиқариладиган инновациялар (Сюй Хуэйчжуин, 2012), Ўзбекистонда янги ташкил этиладиган кичик бизнес корхоналари асосан паст технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаради⁸⁰, технологик инновациялар бошқарилишига қараб технологик бошқариладиган ва бозор томонидан бошқариладиган турларга бўлинади (Гумерова, Шаймиева, 2012), Россия Федерациясида 64 та кичик бизнес вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномага кўра саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарнинг 79% технологик инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишган, 29% ташкилий инновацияларни 18% маркетингинновацияларини. (Титов, 2018), Инновацион ривожланиш шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий ривожланишни таъминлайди (Kookueva, Tsertseil, 2022).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, индекс, интеграл индексни ҳисоблаш формулалари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг ҳудудлар иқтисодийтини ва кичик бизнес корхоналарини ҳудудий ривожлантириш бўйича иқтисодий қарашлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2022 ва 2023 йил, Тошкент-2023 й.

ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги кунда республикамизда корхоналарни кичик бизнесга ажратишда битта мезондан фойдаланилади – бу тавар айланмаси. Товар айланмаси 1милиард сўмгача бўлса микрофирма, 10 миллиардгача - кичик корхона ва 100 миллиардгача бўлса ўрта корхона ҳисобланади. Бу ерда ишчилар сонига чегара йўқ, фирмалар ортиқча ишчи олиб фирма даромадини ўзгартириши мумкин. Иккинчи мезон сифатида ишчилар сони мезони киритилса, бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқ бўларди. Ишчилар сони мезонини белгилашда Европа итифоқи давлатлари тажрибасидан фойдаланилса ўринли бўларди. 1-10 гача микрофирма, 11-50 гача кичик бизнес ва 51-250 гача ўрта бизнес (Салимов, 2020).

Ўзбекистонда 2024 йил 1 январ ҳолатига кўра 417080 бирлик кичик бизнес субъектлари фаолият юритган, шундан 86030 таси янги ташкил топган ва 2023 йил давомида 192550 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Худудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари кўрсаткичлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган. Энг кўп фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналар сонининг улуши Тошкент шаҳрига (21,1 %), Тошкент(9,3%) ва Самарқанд (9,0 %) худудларига тўғри келади. Энг кам улушга эга худудларга Навоий (4,7 %), Жиззах (4,0) ва Сирдарё (2,7%) худудлари киради. Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сони бўйича қараганда, бу курсаткич республика бўйича 14,0 тага тенг. Энг юқори сон Тошкент шаҳрига (29,2та), Навоий (21,0), Сирдарё (17,3) ва Жиззах (16,4) худудларига тўғри келади. Худудларнинг 7 тасида бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан паст.

1-жадвал

2024 йил 1-январ ҳолатига кўра худудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес кўрсаткичлари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Сони, минг бирликда	Жамига нисбатан улуши (% да)	Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сони, бирликда
1. Ўзбекистон Республикаси	417,1	100%	14,0
2. Тошкент шаҳри	87,5	21,0	29,2
Вилоятлар			
3. Тошкент вилояти	39,0	9,3	15,2
4. Самарқанд	37,4	9,0	11,7
5. Фарғона	36,2	8,7	11,8
6. Қашқадарё	28,0	6,7	11,7
7. Бухоро	27,6	6,6	16,3
8. Андижон	24,4	5,8	9,5
9. Хоразм	23,9	5,7	14,3
10. Наманган	23,1	5,5	9,6
11. Қорақалпоғистон Республикаси	22,1	5,3	13,7
12. Сурхондарё	20,6	4,9	9,5
13. Навоий	19,5	4,7	21,0
14. Жиззах	16,7	4,0	16,4
15. Сирдарё	11,2	2,7	17,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

КЎБнинг фаолият соҳалари бўйича асосий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2-жадвал, КЎБнинг ЯИМдаги улуши 2023 йилда 51,2 % ни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 0,4% га камйган, саноатдаги улуши 26,9 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,9 %га ошган, умуман, ўсишни яна инвестицияларда (3,5%), қурилишда (3,2%), импортда (1,2%) ва бироз бандликда (0,2 %) кузатиш мумкин. Қолган барча соҳаларда камайиш содир бўлган. Энг юқори камайиш экспортда (-2,2 %) ва хизматларда(-1,7%) содир бўлган.

Бунга қарамасдан, кичик бизнес ўзининг катта улушини қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (94,8 %), қурилишда (74,7 %), чакана савдода (83,8%), бандликда (74,1%), нвестицияларда (51,4%) ва ЯИМ да (51,2%) сақлаб қолмоқда. КЎБ да меҳнат унумдорлиги бандлар сонига кўра киши бошига 2023 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот 17,2 млн сўмни ташкил қилган бўлса, бу ўтган йилдаги 14,2 млн сўмга нисбатан 121,1 %га ўсган, инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш эса 2023йилда 1,13 млн. сўмга тенг бўлган бўлса ўтган йилдаги 1,06 млн. сўмга нисбатан 106,6% га усган. Бугунги кунда ҳам КЎБ мамлакатни иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда.

2-жадвал

2023 йилда кичик бизнеснинг фаолият соҳалари кўрсаткичлари, фоизда

	2022 йил	2023 йил	2023 йил 2022 йилга нисбатан ўзгариши
ЯИМ	51,6	51,2	-0,4
Саноат	26,0	26,9	0,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	94,8	94,8	узгармаган
Инвестициялар	47,9	51,4	3,5
Қурилиш	71,5	74,7	3,2
Чакана савдо	84,7	83,8	-0,9
Хизматлар	49,4	47,7	-1,7
Экспорт	31,2	29,0	- 2,2
Импорт	49,5	50,7	1,2
Бандлик	74,4	74,1	-0,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Ҳозирги вақтда КЎБ корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги маҳсулот ва хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КЎБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ.

АҚШ да олиб борилган тадқиқотларга кўра КЎБ да, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади (Титов, 2018). Хитой халқ республикасида (ХХР) патентларнинг 85%, техник янгиликларнинг 75% ва янги маҳсулотларнинг 80% КЎБ га тегишли (Электронный ресурс, 2018).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлигининг маълумотларига кўра 2022 йилда саноат соҳасида 18892та кичик бизнес корхоналари ташкил этилган бўлса, улар асосан паст технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарган⁸¹ нон, қандолат, трикотаж маҳсулотлари, устки буюмлар, меҳнат ва темирдан тайёрланган

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2022 ва 2023 йил, Тошкент-2023 й.

махсулотлар ишлаб чиқарган; хизматлар соҳасида-ошхоналар, таълим муассасалари ва юк ташиш бўйича корхоналар ташкил топган, савдода-асосан дуконлар ташкил топган. Шу сабабли КЎБда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг шарт-шароитларини урганиш ва инновацион махсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

КЎБ корхоналарида инновацияларни киритилиши махсулот сифатини оширади, тан нархни пасайишига ва энг муҳими фойдани оширишга имконият яратади, [1, 4556.]. Инновацион фаолият КЎБ корхоналарининг техник базасини кучайтиришни, малакали кадрларни жалб қилишни, инновацион инфратузилма элементларидан самарали фойдаланишни ва инновациялардан фойдаланишни фаоллаштирадиган бошқарув тизимини шакллантиришни тақозо қилади.

Одатда саноат корхоналари технологик, ташкилий ва маркетинг инновацияларни жорий қилишга эътибор беради (Буланова, Соменкова, Ягунова, 2020).

Мустақил инновацияда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни корхона ўзи амалга оширади ва бу ишларни амалга ошириш катта рискка боришни ва катта харажат қилишни талаб қилади. Мустақил инновацион фаолият билан кўп ҳолларда юқори иқтисодий салоҳиятга ва имкониятга эга бўлган йирик компаниялар шуғулланади. КЎБ корхоналарида катта инвестиция қўйиш имкониятлари чекланганлигини эътиборга олсак, улар инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши мақсадга муофиқ. Бу рискларни ва харажатларни камайишига олиб келади. Имитацион инновацияларда корхона тўғридан-тўғри илғор технология ва ускуналарни ҳуқуқий асосда ривожланган давлатлардан сотиб олади ва уларни модернизациялаш ва такомиллаштириш ишларини олиб боради (Сюй Хуэйчжуин, 2012). Бу модель технологик инновацияларни жорий қилишнинг оддий усули ҳисобланади.

КЎБ корхоналари инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши ўз маҳсулоти рақобатбардошлигини босқичма-босқич оширишга имконият яратади ва шу билан бирга, инновацион технологик жараёнларни ва бирламчи инновациядан ўтган маҳсулотларни такомиллаштириш ишларини яхши йўлга қўйиши мумкин, ҳамда кейинчалик ўзининг инновацион маҳсулотини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида КЎБ корхоналарининг инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланишига ҳудудларнинг иқтисодий ва инновацион салоҳиятининг ривожланганлик даражаси муҳим ўрин тутаяди. Ривожланган ҳудудларда корхоналар ўртасида кооперацион аълоқалар яхши ривожланган, мутахассис кадрларни жалб этиш имконияти бор, мажуд олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан аълоқа қилиш имконияти кенг. Ҳудудлар марказларида илмий тадқиқот институтлар, университетлар, технопарк ва бошқа инновацион инфратузилма элементларини бўлиши КЎБ корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишга яхши шароит яратади. Ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди: – ялпи ҳудудий маҳсулотнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улуши, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот; – саноат маҳсулотининг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши, аҳоли жон бошига ҳудудий саноат маҳсулоти; – кичик бизнес субъектлари томонидан ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти; ҳудудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт қилинган товарлар миқдори; – ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган КЎБнинг инновацион маҳсулоти; – ҳудуддаги инвестицион фаоллик даражаси; – жалб қилинган хорижий инвестициялар.

Ишлаб чиқарилган ЯИМ маҳсулот 2023 йилда жорий нархларда 1066569.0 млрд сўмни ташкил этган, ўтган йилга нисбатан реал ўсиш 6% га тенг, 3-жадвал.

Аҳоли жон бошиа ЯХМ ҳажми кўрсатгичи ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, (Тошкент шаҳрини эътиборга олмаганда) Тошкент вилоятининг бу кўрсатгичи Сурхондарё вилоятиникидан 2,5 баробарга, Наманган вилоятиникидан 2,3 баробарга, ва Фарғона, Қашқадарё вилоятлариникидан 2 баробардан кўп. Шунга яраша аҳоли даромадлари ҳам кескин фарқ қилади. Аҳоли жон бошиа саноат маҳсулотини қараганимизда бу кўрсатгич ҳам ҳудудлар кесимида бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, (Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятини эътиборга олмаганимизда), Андижон вилоятининг бу кўрсатгичи Сурхондарё вилояти кўрсатгичидан 7,1 баробарга, Наманган вилоятиникидан 3,2 баробарга ва Қашқадарёникидан 2,7 баробарга кўп. Бу кўрсатгич ҳам оқибатда аҳоли даромадларининг кескин фарқ қилишига сабаб бўлади деб айтиш мумкин. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳудудлар кесимида қараймиз, (3-жадвал). Шунинг таъкидлаш керакки, ҳудудлар бўйича ЯХМларнинг йиғиндиси миқдори республика ЯИМ миқдоридан кам, чунки ҳудудларга бўлинмайдиган Ўзбекистон темир йўллари, Ҳаво йўллари ва бошқа шунга ўхшаш таомоқлар томонидан яратилган маҳсулотлар ЯХМларда ҳисобга олинмаган.

3-жадвал

Ҳудудлар кесимида ЯХМ, (2023 йил)

	ЯХМ (млрд.сўм)	ЯИМда ҳудудлар улуши (% да)	Аҳоли жон бошига ЯХМ (минг.сўм)	Индекс
1. Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	1066569,0	100%	29291,4	1,0
2. Қорақалпоғистон Республикаси	32916,1	3,1	16545,8	0,6
Вилоятлар				
3. Андижон	68223,3	6,4	20313,6	0,7
4. Бухоро	53232,3	5,0	26262,9	0,9
5. Жиззах	33323,3	3,1	22342,1	0,8
6. Қашқадарё	58404,5	5,5	16585,1	0,6
7. Навоий	81943,2	7,7	76913,1	2,6
8. Наманган	47112,6	4,4	15539,5	0,5
9. Самарқанд	74115,3	6,9	17801,6	0,6
10. Сурхондарё	40909,8	3,8	14395,7	0,5
11. Сирдарё	21549,9	2,0	23804,2	0,8
12. Тошкент вилояти	107918,1	10,1	35703,7	1,2
13. Фарғона	65781,0	6,2	16367,9	0,6
14. Хоразм	36916,5	3,5	18674,9	0,6
15. Тошкент шаҳри	181859,6	17,1	60648,2	2,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Энг кўп ЯХМ Тошкент шаҳрида ишлаб яратилган, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 17,1 %га тенг, ундан кейин Тошкент вилояти – 10,1 %, Навоий – 7,7% ва Самарқанд – 6,9 %. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм ҳудудларида бу кўрсаткич 3,5 %дан ошмайди. Сирдарё ҳудудида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб у 2% га тенг. Навоий ҳудудининг аҳоли жон бошига ЯХМи энг юқори бўлиб, у 76913,1 минг сўмга тенг. Индекси эса ўртача республика индексидан 2,6 баробарга кўп. Худди шундай Тошкент шаҳриники (60648,2 минг сўм), индекси – 2,1га ва Тошкент вилоятиники (35703,7 минг сўм), индекси – 1,2 баробарга кўп. Қолган ҳудудларнинг индекс кўрсаткичлари республика кўрсаткичидан анча паст.

2023 йилда жами 655,8 трлн сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган, 4-жадвал, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 106,0 % га ошган. Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш қайта ишлаш саноатига тўғри келади 84,4%, унинг ҳажми 553,3 трлн сўмни ташкил этган. Худудлар кесимида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри етакчи бўлиб, унинг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши 17,1%га тенг. Бу кўрсаткич Тошкент (16,1%), Навоий (15,3 %) ва Андижон (11,3%) худудларида ҳам анча юқори. Жиззах (3,3 %), Наманган (3,2 %), Сурхондарё (1,3 %), Сирдарё (2,3 %) худудларда бу кўрсаткич жуда паст, 4-жадвал. Бу худудларда саноат ривожланиши орқада қолмоқда ва шу сабабли бу худудларда саноатни ривожлантириш долзарб ҳисобланади деб қараш мумкин.

4-жадвал

Худудлар кесимида саноат маҳсулоти (2023 йил)

		Худудий саноат и/ч. (млрд. сўм)	Саноатни худудлар бўйича улуши (% да)	Саноат аҳоли жон бошига (минг.сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	655800,0	100,0	18011,0	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	18803,1	3,2	9451,4	0,5
	Вилоятлар				
3.	Андижон	73579,3	11,3	21908,0	1,2
4.	Бухоро	31633,9	5,5	15607,3	0,9
5.	Жиззах	19000,6	3,3	12739,6	0,7
6.	Қашқадарё	28259,6	4,4	8024,9	0,4
7.	Навоий	101594,8	15,3	95361,7	5,3
8.	Наманган	20826,5	3,2	6869,3	0,4
9.	Самарқанд	32676,8	5,3	7848,6	0,5
10.	Сурхондарё	8745,4	1,3	3077,5	0,2
11.	Сирдарё	15190,7	2,3	16779,6	0,9
12.	Тошкент вилояти	105762,5	16,1	34990,5	2,0
13.	Фарғона	36661,2	5,5	9122,2	0,5
14.	Хоразм	21167,9	3,4	10707,9	0,6
15.	Тошкент шаҳри	123628,3	18,7	41228,9	2,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Саноатнинг ривожланиши бошқа тармоқларнинг ривожланишида, ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Саноат соҳаси инновацион ғоялар манбаи ҳисобланади, саноат соҳасида инновацион ғоялар моддийлашув босқичларини ўтади, инновацион маҳсулотга айланади ва тармоқлар бўйича тарқалади. Саноат соҳаси бўйича инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ва экспорт имкониятини оширади, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда 2023йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 176523,9 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган, бу жами саноат маҳсулотининг 26,9% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 122,5%га ошган, 5-жадвал.

Худудлар кесимида жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг улушини қараганда энг кўп улушга эга бўлган худудларга Фарғона (49,2%), Сурхондарё (47,3%), Наманган (47,2%), Самарқанд (44,6%) вилоятларини ва Тошкент ш.(37,8%) киритиш мумкин. Энг кам улуш Хоразм (16,3%) ва Навоий (7,7%) вилоятларида кузатилади.

5-жадвал

Худудлар кесимида кичик тадиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган sanoat mahsuloti va hududlardagi ulushi (2023 йил)

		Худудий sanoat и/ч. (млрд. сўм)	Sanoatni hududlar бўйича ulushi (% да)	Sanoat aҳоли жон бошига (минг.сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	176523,9	26,9	4796,8	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	5330,3	28,3	2661,6	0,6
	Вилоятлар				
3.	Андижон	16211,5	22,0	4776,0	1,0
4.	Бухоро	9563,2	30,2	7635,7	1,6
5.	Жиззах	4628,6	24,4	3070,6	0,6
6.	Қашқадарё	6331,2	22,4	1778,1	0,4
7.	Навоий	7795,0	7,7	7249,1	1,5
8.	Наманган	9831,0	47,2	3206,4	0,7
9.	Самарқанд	14561,2	44,6	3460,0	0,7
10.	Сурхондарё	4137,3	47,3	1438,0	0,3
11.	Сирдарё	4753,5	31,3	5200,8	1,1
12.	Тошкент вилояти	25110,2	23,7	8228,0	1,7
13.	Фарғона	18054,2	49,2	4445,2	0,9
14.	Хоразм	3445,2	16,3	1726,4	0,4
15.	Тошкент шаҳри	46771,8	37,8	15381,4	3,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Лекин, энг кўп sanoat mahsuloti ishlab chiqarish Toshkent shahriga (46771,8 млрд сўм), Toshkent (25110,2 млрд сўм), Farғona (18054,2 млрд сўм), Andijon (16211,5 млрд сўм) va Samarqand (14561,2 млрд сўм) viloyatlariga tўgri keladi. Respublika бўйича ҳам худудлар кесимида ҳам жами sanoat mahsulotida йирик sanoat korxonalarining ulushi ancha yuqoriligini кўриш mumkin. Respublikada bu кўрсаткич 73,1% ga teng bulsa, Navoiy viloyatida sanoat mahsulotining 92,3 % ni йирик korxonalar ishlab chiqargan. Indeks кўрсаткичи бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқори индекс Toshkent sh. (respublika бўйича ўртача аҳоли жон бошига ishlab chiqarilgan sanoat mahsulotiga (4796,8 минг сўм) қараганда 3,2 баробар кўп ishlab chiqargan), bundan tashqari, respublika indeksidan yuqori indeksiga эга худудларга Toshkent (1,7), Buxoro (1,6), Navoiy (1,5) va Sirdaryo (1,1) viloyatlariga tўgri keladi. Qolgan viloyatlarda bu indeks respublika indeksidan past, ayniqsa Suxondaryo (0,3), Xorazm (0,4) va Qashqadaryo (0,4) viloyatlarida. Rivojlangan davlatlarda KB korxonalari кўп холларда йирик korxonalarнинг аутсорсинг ишларини бажаради. Чунки, келажакда бизда ҳам KBнинг юқори даромадли соҳаларини йирик бизнес эгаллайди. Бунга мисол сифатида “АКФА” компаниясини келтириш mumkin.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларни ижтимоий -иқтисодий ривожланишини таъминлашга 2023 йилда барча молиялаштириш маъналаридан 352,1 трлн сўм инвестиция асосий капиталга ўзлаштирилган, бу ўтган йилга нисбатан 122,1 %ни ташкил этган. Жами инвестициянинг 8,1 % и (20,4 трлн сўм) республика бюджети ҳисобидан, 0,5 % и (1,6 трлн сўм) реконструкция ва ривожланиш фондидан, 24,1 % и (84,9 трлн сўм) корхоналар маблағи, 24,3 % и (84,3 трлн сўм) тўғридан тўғри хорижий инвестициялар (Жами инвестициянинг 10 % дан кам бўлмаган қисмини хоий инвестиция ташкил этса бунга тўғридан тўғри хорижий инвестиция дейилади)⁸², 6% и (21,2 трлн сўм) Ўзбекистон Республикаси кафолати остида

⁸² Социально-экономическое положение Республики Узбекистан, за январь- декабрь 2023 года стр. 122.

ўзлаштирилган хорижий кредитлар, 9,5 % (33,3 трлн сўм) аҳоли маблағлари, қолгани бошқа маънабалар. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми кейинги беш йилликда узиш тенденциясига эга бўлган, 2019 йилда унинг ҳажми 195,9 трлнга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб, 352,1 трлнни ташкил этган, яни 180 % га ошган.

Худудларнинг инвестицион фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар 6-жадвалда келтирилган. Маълумки, инвестиция қайси худудга кўпроқ борса уша худудда ривожланиш юқори бўлади. Асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициянинг энг катта улуши Тошкент шаҳрига тўғри келади, унинг улуш- 19,4 %, Тошкент вилояти - 12,7 %. Ундан кейинги юқори кўрсаткични Бухоро (8,9%), Самарқанд (7,6%), ва Навоий (7,4%) худудларида кўрамиз. Паст инвестицион фаоллик Қорақалпоғистон Республикасида (3,5%) ва Хоразм (3,4 %) худудларига тўғри келади. Аҳоли жон бошига энг юқори индекс кўрсаткич Тошкент шаҳри (ўртача республика индексидан 2,3 баробарга кўп.), Навоий -2,5 баробарга, Сирдарё -1,8 ва Тошкент вилоятиники - 1,5 баробарга кўп. Умуман 6 та худуднинг индекс кўрсаткичи республика индексидан юқори бўлиб, қолган худудларда бу кўрсаткич республика индексидан паст.

6-жадвал

Асосий капиталга инвестициялар худудлар бўйича (2023 йил)

		Асосий кап. Инвестициялар (млрд.сўм)	Жамига нисбатан худудлар улуши (%) да)	Аҳоли жон бошига инвестиция (минг.сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	352064,1	100	9668,8	1,00
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	11945,2	3,5	6004,4	0,6
	Вилоятлар				
3.	Андижон	18171,4	5,2	5410,6	0,6
4.	Бухоро	31301,2	8,9	15442,9	1,6
5.	Жиззах	16612,8	4,7	11138,3	1,2
6.	Қашқадарё	21686,8	6,1	6158,4	0,6
7.	Навоий	25866,8	7,4	24278,9	2,5
8.	Наманган	20734,5	5,9	6839,0	0,7
9.	Самарқанд	26584,6	7,6	6385,3	0,7
10.	Сурхондарё	17956,0	5,1	6318,5	0,7
11.	Сирдарё	15349,1	4,4	16954,7	1,8
12.	Тошкент вилояти	44449,2	12,7	14705,6	1,5
13.	Фарғона	20245,0	5,7	5037,4	0,5
14.	Хоразм	12050,7	3,4	6096,1	0,6
15.	Тошкент шаҳри	67902,7	19,4	22644,8	2,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби қуйидагича: машина, ускуна ва инвентарлар- 161540,2 млрд сўм, жами инвестициядаги улуши 45,9%;

Қурилиш – монтаж ишлари – 160440,2 млрд сўм, улуши 45,6%;

Бошқа харажатлар – 30083,7 млрд сўм, 8,5%.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг таркибида машина ва ускуналар улушининг юқорилиги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни модернизациялаш асосида ривожлантиришда муҳим ўрин тутди деб айтиш мумкин.

Маълумки, ХХРи, Жанубий Корея, Япония ва бошқа ривожланаётган давлатлар асосан хорижий инвестициялар ҳисобидан ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва уни худудларининг ривожланиши ҳам кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларни жалб

қилишга боғлиқ деб айтиш мумкин. Хорижий инвестицияни жалб қилиш дегани, янги ускуна янги технология, ускуналарни модернизация қилиш учун янги қисмлар, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш дегани деб қараш мумкин. Президентимизнинг 2024 йилда ўтказган селекторларидан бирида туман ҳокимлари олдига йил давомида туманга 100млн долларлик хорижий инвестиция киритиш масаласини қўйилиши бежиз эмас. Республика бўйича 2023 йилда асосий капиталга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 187884,8 млрд сўм бщлиб, у (доллар эквивалентида бу 16,0 млрд АҚШ долларига тенг) ташкил этган бўлса, шундан 84311,6 млрд сўми, яни 44,9% и тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 21153,4 млрд сўми, яни 11,3%и Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинган хорижий кредитлар ва 82419,8 млрд сўми, 43,9%и бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобланади. Жами хорижий инвестицияларнинг 38%и қайта ишлаш саноатига йўналтирилган. Худудлар кесимида жами хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи худудлардаги корхоналарни хорижий технологиялар асосида модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди. Бу кўрсаткич бўйича биринчилар қаторида яна Тошкент шаҳрини кўрамиз. Тошкент шаҳри корхоналарига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат кўрсаткичидаги улуши 13,4 %га тенг.

7-жадвал

**Асосий капиталга ушлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар
худудлар кесимида (2023 йил)**

		Хорижий инвестиция худудлар бўйича, жами (млрд.сўм)	худудлар бўйича улуши (% да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	187884,8	100	5105,6	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	7317,3	4,0	3653,7	0,7
	Вилоятлар				
3.	Андижон	11259,6	6,0	3317,1	0,6
4.	Бухоро	20127,7	10,7	9847,2	1,9
5.	Жиззах	10272,8	5,5	6814,9	1,3
6.	Қашқадарё	11806,6	6,3	3315,9	0,6
7.	Навоий	16313,6	8,7	15171,2	3,0
8.	Наманган	10363,2	5,5	3379,9	0,7
9.	Самарқанд	11519,0	6,1	2737,1	0,5
10.	Сурхондарё	11117,3	5,9	3864,1	0,8
11.	Сирдарё	12524,6	6,7	13703,1	2,7
12.	Тошкент вилояти	25269,7	13,4	8280,3	1,6
13.	Фарғона	9454,0	5,0	2327,7	0,5
14.	Хоразм	5341,4	2,8	2676,6	0,5
15.	Тошкент шаҳри	25198,0	13,4	8286,6	1,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Кейинги ўринларда Тошкент – 13,4 % ва Бухоро – 10,7% худудлари. Қорақалпоғистон Республикасида (4,0%), Сурхондарё (5,9%), Наманган (5,5%), Жиззах (5,5%) вилоятларида бу кўрсаткич паст, айниқса Хоразм (2,8%) худудидида бу кўрсаткич жуда паст, 7-жадвал. Аҳоли жон бошига энг юқори индекс Сирдарё (2,7), Навоий (3,0) худудларига тўғри келади. Юқори даражада ривжланган Тошкент шаҳри индекси 1,6 га ва Тошкент худуди индекси 1,6 га тенг. Олтита худуднинг индекси республика

индексдан юқори, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич республика индексдан паст. Энг паст индекс Фарғона (0,5) ва Хоразм (0,5) вилоятларига тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши, кўп жиҳатдан улар томонидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажмига боғлиқ. Жами бўлиб 2023йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 118,1 трилион сўмлик инвестиция ўзлаштимрилган, 8-жадвал. Кичик тадбиркорликнинг юқори даражада ривожланишини Тошкент шаҳрида (23,1 трлн инвестиция ўзлаштирилган), Бухоро (19,8трлн сўм), Самарқанд ва Тошкент вилоятларида(17,3трлн сўм) кузатиш мумкин. Энг паст даражада ривожланишни Қорақалпоғистон Республикасида (3,5трлн сўм), Хоразм (5,2трлн сўм) ва Қашқадарё (9,1 трлн сўм) вилоятларида кўрамиз. Қолган вилоятларда ўзлаштирилган инвестиция 11,0дан 13,8 трлн сўмгача. Ҳудудлар кесимида ўртача аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиция бўйича қараганда, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Жиззах ва Андижон вилоятлари кўрсаткичи ўртача республика кўрсаткичидан юқори, Қолган ҳудудларники паст.

8-жадвал

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзлаштирилган жами инвестициялар ва ҳудудлар бўйича улуши (2023йил)

		Жами Инвестици ялар (млрд.сўм)	Ҳудудлар- даги улуши (% да)	Аҳоли жон бошига инвестиция (минг.сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	118116,2	51,4	3209,7	1,00
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	3454,1	28,9	1724,7	0,5
	Вилоятлар				
3.	Андижон	13087,8	72,0	3855,7	1,2
4.	Бухоро	19790,3	63,2	9682,1	3,0
5.	Жиззах	11677,5	70,3	7746,8	2,4
6.	Қашқадарё	9083,7	41,9	2551,2	0,8
7.	Навоий	12461,6	48,2	11589,0	3,6
8.	Наманган	13831,2	66,7	4511,0	1,4
9.	Самарқанд	17334,8	65,2	4119,0	1,3
10.	Сурхондарё	10390,8	57,9	3611,6	1,1
11.	Сирдарё	11350,3	73,9	12418,3	3,9
12.	Тошкент вилояти	17254,1	38,8	5653,7	1,8
13.	Фарғона	13011,9	64,3	3203,7	1,0
14.	Хоразм	5247,7	43,5	2629,6	0,8
15.	Тошкент шаҳри	23140,4	34,1	7610,0	2,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири экспорт кўрсаткичи деб қараш мумкин. Кичик бизнес корхоналари томонидан 2023 йилда 7092,1 млн АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот экспорт қилинган, бу жами экспортнинг 29,0 %ни ташкил этган, 9-жадвал. Жорий йилдаги экспорт ҳажми ўтган 2022 йилда 6,2 млрд АҚШ долларга тенг бўлган экспорт ҳажмига қараганда 23,8 % га ошган. Ҳудудларнинг жами экспортида энг катта улушга эга бўлган ҳудудларга Сурхондарё (72,4%), Фарғона (68,4%), ва Хоразм(64,2%) ҳудудларини киритиш мумкин. Паст улуш Қорақалпоғистон Республикасига (27,6%), Тошкент ш. (24,1%), Андижон ва (29,2%), Қашқадарё (22,2%) вилоятларига тўғри келади, энг паст улушни Навоий (9%) вилоятида кўзатиш мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, паст

улушга эга бўлган ҳудудларда йирик корхоналарнинг экспорти юқори, айниқса Навоий вилоятида йирик корхоналарнинг экспортдаги улуши 91%ни ташкил этади. Аҳоли жон бошига энг кўп экспорт миқдори Тошкент ш. (39,4 минг доллар), Сирдарё (23,1 минг доллар) ва Тошкент (19,8 минг доллар) вилоятларида кузатилган. Энг паст экспорт миқдори Сурхондарё (5,5 минг доллар) , Навоий (5,4 минг доллар) Жиззах (5,0 минг доллар), Қашқадарё (2,7 минг доллар) вилоятларига ва Қарақалпоғистон Республикасига (4,7 минг доллар) тўғри келади. Энг юқори экспорт индекси Тошкент ш. (2,0; республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт миқдорига қараганда 2 баробарга кўп), Сирдарё (1,2) ва Тошкент вилоятларига (1,0) тўғри келади. Энг паст индекси Қарақалпоғистон Республикасида (0,2) ва Қашқадарё (0,1) вилоятида кўрамиз.

9-жадвал

Ҳудудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт қилинган товарлар, ҳудуд бўйича улуши (2023 йил)

		Жами экспорт қилинган товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми (млн.долл.)	ҳудуд бўйича улуши (% да)	Аҳоли жон бошига (минг. Долл.)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	7092,1	29,0	19,3	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	93,6	27,6	4,7	0,2
	Вилоятлар				
3.	Андижон	338,0	29,2	10,0	0,5
4.	Бухоро	134,3	45,9	6,6	0,3
5.	Жиззах	75,4	43,5	5,0	0,3
6.	Қашқадарё	94,6	22,2	2,7	0,1
7.	Навоий	58,5	9,0	5,4	0,3
8.	Наманган	229,1	41,0	7,5	0,4
9.	Самарқанд	315,8	42,3	7,5	0,4
10.	Сурхондарё	157,6	72,4	5,5	0,3
11.	Сирдарё	211,3	63,4	23,1	1,2
12.	Тошкент вилояти	603,8	32,5	19,8	1,0
13.	Фарғона	464,3	68,4	11,4	0,6
14.	Хоразм	190,4	64,2	9,5	0,5
15.	Тошкент шаҳри	1197,6	24,1	39,4	2,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳудудлар бўйича хусусий индекслари ва интеграл индекслари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$A_{ij} = \frac{x_{ij}}{y_j}, \quad X_i = \sum_{j=1}^6 A_{ij}, \quad i = 1-15,$$

X_{ij} – i – ҳудуднинг j – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

Y_j – республика бўйича j – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

A_{ij} – i – ҳудуднинг j – кўрсаткич индекси;

X_i – i – ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс.

Республика бўйича 2022 йилда жами 40451615,7 млн сўмлик инновацион маҳсулот ишлаб чиқарилган ва у ЯИМ нинг 3,8 %ни ташкил қилади, бу маҳсулот таркибида 2022 йилдан инновацион ишларни амалга оширган фермер хўжаликлари маълумотлари қўшилган. Шу 2022 йилда кичик бизнес корхоналари томонидан 11470102,1 млн сўмлик инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар (қисқароқ бўлиши учун кейинги ёзилишларда инновацион маҳсулот ёки инновацион товарлар деб ёзамиз) ишлаб

чиқарилган ва бу жами ишлаб чиқарилган инновацион махсулотларнинг 28,4 %ни ташкил этади.

10-жадвал

Худудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар (2022 йил)

		Инновацион товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми (млн.сўм)	худудлар бўйича улуши (% да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	11470102,1	100,0	318,4	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	132031,7	1,2	66,8	0,2
	Вилоятлар				
3.	Андижон	219825,7	1,9	66,2	0,2
4.	Бухоро	310199,0	2,7	154,3	0,5
5.	Жиззах	61254,0	1,0	41,5	0,1
6.	Қашқадарё	1232389,2	10,7	353,9	1,1
7.	Навоий	886711,4	7,7	840,1	2,6
8.	Наманган	151557,7	1,3	50,6	0,2
9.	Самарқанд	490841,8	4,3	119,2	0,4
10.	Сурхондарё	218332,0	1,9	77,8	0,2
11.	Сирдарё	403586,0	3,5	450,1	1,4
12.	Тошкент вилояти	1053361,1	9,2	352,0	1,1
13.	Фарғона	531099,2	4,6	133,6	0,4
14.	Хоразм	452965,0	3,9	231,3	0,7
15.	Тошкент шаҳри	5325948,3	4,6	1801,9	5,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Энг кўп инновацион махсулот Тошкент ш.(95325948,3 млн сўм), Қашқадарё (1232389,2) ва Тошкент (1053361,1) вилоятларида ишлаб чиқарилган. Жами инновацион махсулотлар таркибида ҳам энг катта улуш юқоридаги вилоятларга тўғри келади ва улар мос ҳолда тенг 4,6%; 10,7% ва 9,2%. Энг катта, яни республика индексидан юқори индексга эга худудларга Тошкент ш. (5,6), Навоий (2,7) Қашқадарё (1,1), Сирдарё (1,1) ва Тошкент (1,1) вилоятларини киритиш мумкин. Энг кам улушга эга худудлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган ва Сурхондарё худудларини қараш мумкин, буларнинг улуши республика индексидан паст бўлиб 0,2 га тенг холос. Таҳлиллар кўрсатадики, ишлаб чиқариш ва айниқса саноат ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган худудларда инновацион махсулот ишлаб чиқариш юқори. Юқорида айтиб ўтилган худудларда инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш, уларни ҳалқаро даражадаги мутахассис кадрлар билан таъминлаш бу худудларни инновацион махсулот ишлаб чиқариш бўйича етакчи худудларга айлантириш мумкин. Бу ерда ХХР тажрибасидан фойдаланиш жуда фойдали деб ҳисоблаймиз (Хитойда Япониянинг етакчи автомобил компанияларида ишлб нафақага чиққан юқори малакали мутахассисларни ёллаб уларни яхши иш ҳақи билан таъминлаб ва яхши иш шароитлари яратиб улардан унумли фойдаланиш натижасида ХХРи энгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринларда бормоқда). Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ҳам Япония, Германия ва Франциянинг технопарк, бизнес инкубаторларда ва бошқа инновацион ташкилотларида ишлаб нафақага чиққан йирик мутахассисларни Ўзбекистондаги технопаркларга жалб қилиб, улардан фойдаланилса иқтисодий инновацион ривожланишини янада тезлаштириш мумкин бўларди.

Худудларнинг инновацион имкониятларини баҳолайдиган бўлсак, Тошкент шаҳри энг юқори имкониятга эга, чунки жами олий таълим ташкилотларининг 43,0%, нодавлат ва хорижий таълим ташкилотларининг 56,1%, 2022 йилда жами илмий-тадқиқот ишларини бажарган ташкилотларнинг 54,7 % ва битта инновацион технопарк Тошкент шаҳрида жойлашган. Кейинги ўринларда Самарқанд ҳудуди 15та олий таълим ташкилоти, 1та нодавлат олий таълим ва 13та илмий-тадқиқот ташкилоти шу ҳудудда жойлашган, технопарк йўқ, Тошкент ҳудуди мос ҳолда 10; 1; 19; 0; Навоий 4; 2; 6; 2; Қашқадарё 9; 3; 0; Бухоро 11; 4; 10; 1. Жиззах, Наманган ва Сурхандарё худудларининг инновацион имкониятларини паст деб қараш мумкин. Бу ерда худудларнинг инновацион имкониятларини баҳолашда уларни иқтисодий ривожланганлик даражасини эътиборга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Тошкент “Яшнабод” инновацион технопаркда яратилган айрим инновацион маҳсулотлар:

1. 3Д принтерлар ишлаб чиқариш. Бундай маҳсулотларни (Серияли) ишлаб чиқариш Ўзбекистонда йўқ. 3Д прентери пластик ва фото полимердан тайёрланади. Қўлланилиш соҳаси: лойиҳа-матини ташкилотларида, медицинада, реклама агентликларида, форфор ва ювилер ишлаб чиқариш. Яратилаётган корхонанинг йиллик қуввати 500 дона.

2. SIM – карта, транспорт карталари, ижтимоий карталар, халқаро карталар ишлаб чиқариш. Бундай маҳсулотлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Қўлланиладиган соҳалар: давлат ташкилотлари, молиявий ташкилотлар, мобил алоқа операторлари ва аҳоли. Яратилаётган корхона қуввати 20 млн. карта. Лойиҳани таклифчиси ООО “VADES GROVP”.

3. Учувчисиз учувчи аппаратларини ишлаб чиқариш ва локализация қилиш. Бундай маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Маҳсулот истеъмолчилари: қишлоқ хўжалиги, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, қурилиш ташкилотлари, Мудофаа вазирлиги. Яратиладиган корхона қуввати 1200 дона.

4. АДВОТ интерактив Роботларни ва унинг модификацияларини ишлаб чиқариш. Бу маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Қўлланилиш соҳаси: банклар, мобил алоқа операторлари, меҳмонхона, ресторанлар, кўргазма Марказлари. Яратиладиган корхонанинг қуввати 240 дона йилига. Лойиҳани таклифчиси ООО “INTERACTIVE ROBOT SOLUTIONS”. Бу инновацион маҳсулотлар имитацион инновациялар асосида ишлаб чиқарилмоқда деб айтиш мумкин.

Худудларнинг инновацион инфратузилма элементлари 11-жадвалда келтирилган. Мамлакатимизда 2023 йилда жами 219 та ОТМ лари, шундан 42 таси нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари 23 та технопарклар фаолият юритган. Булардан ташқари, 2022 йилда 262 та ташкилотлар илмий-тадқиқот ишларини бажарган. Технопарклар таркибида 2023 йилда 1694 та корхона фаолият юритган. Барча молиялаштириш манбаъларидан технопаркларни молиялаштириш 681,0 млрд сўмни ташкил этган. Технопарк таркибига кирувчи корхоналарнинг фойдаси, фойда солиғини тулагунга қадар, 3876,9 млрд сўмга тенг бўлган, экспорти эса юклаб жўнатилган саноат маҳсулоти 153,8 млрдни ташкил этган. Мамлакатимизда инновацион инфратузилма элементлари шаклланаётган бир шароитда бу кўрсаткичларни ёмон деб бўлмайди. Ўзбекистонда инновацион салоҳиятни ошириш имкониятлари катта.

Тошкент шаҳри энг юқори инновацион инфратузилма кўрсаткичларига эга: ОТМ ларининг 95 таси, яни 43,4 %и, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларининг 23 таси, яни 53,5 %и, технопаркларнинг 3таси ва илмий-тадқиқот ишларини бажарган ташкилотларнинг 154 таси, фоизда 58,8 %и Тошкент шаҳрида жойлашган. Кейинги ўринларда Тошкент вилояти, инновацион инфратузилма кўрсаткичлари мос ҳолда 13; 1; 16; 2; Бухоро 11; 5; 12; 2; Самарқанд 15; 1; 13; 1. Вилоятлари ҳисобланади. Энг паст

кўрсаткичларни Сухондарё 8; -; 7; 1. Сирдарё 3; -; 4; 1. ва Наманган 9; 1; 3; 1. вилоятларида кўрамиз. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичлар ўрта даражада деб қараш мумкин. Инновацион инфратузилма кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудлар, айниқса Тошкент шаҳри кичик бизнес кохоналарининг инновацион ривожланиш имкониятлари юқори.

11-жадвал

Худудни инновацион инфратузилма кўрсаткичлари

		Инновацион инфратузилма кўрсаткичлари			
		Олий таълим муассасалари	Нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари сони	2022 йилда илмий-тадқиқот ишларни бажарган ташкилотлар сони	Техно-парклар сони
1.	Ўзбекистон Республикаси	219	42	262	23
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	12	-	15	1
	Вилоятлар				
3.	Андижон	10	1	5	1
4.	Бухоро	11	5	12	2
5.	Жиззах	5	1	4	1
6.	Қашқадарё	11	3	6	1
7.	Навой	4	2	7	1
8.	Наманган	9	1	3	1
9.	Самарқанд	15	1	13	1
10.	Сурхондарё	8	-	7	1
11.	Сирдарё	3	-	4	1
12.	Тошкент вилояти	13	1	16	2
13.	Фарғона	13	2	6	1
14.	Хоразм	8	2	10	6
15.	Тошкент шаҳри	95	23	154	3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Инновацион инфратузилма элементлари энг яхши ривожланган ҳудудларга Тошкент шаҳрини, Тошкент ва Навойи вилоятларини киритиш мумкин.

Ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ифодалавчи кўрсаткичлардан бири ҳудуд махсулотининг экспорт миқдори. Экспорт қилинган товарларни рақобатбардош товарлар деб қараш мумкин. Ҳудудда ишлаб чиқарилган махсулотнинг таркибида экспортнинг улуши қанча юқори бўлса ҳудуднинг рақобатбардошлиги шунча юқори бўлади ва бу ҳудудларнинг янги ускуна, янги технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиради. Республика бўйича 2023 йилда жами экспорт хажми 24426,2 млн АҚШ долларини ташкил қилган (12-жадвал), ўтган йил билан солиштирганда бу кўрсаткич 23,8 % га ошган, импорт эса 38141,2 млн долларга тенг бўлган, ўтган йилга нисбатан 24,0 %га ошган. Натижада ташқи айланманинг салдоси манфий бўлиб, у -13715,0 млн долларни ташкил этган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон давлатларинг 198 таси билан савдо аълоқасини олиб боради. Энг кўп ташқи савдо айланмаси Хитой (21,9%), Россия (15,8%), Қозоғистон (7%), Туркия (5%) ва Жанубий Корея (3,7%) давлатларига тўғри келади. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг 53,4 %и юқорида келтирилган давлатларга тўғри келади. Экспорт таркибида товарлар хажми 78,8%ни ташкил қилади, шундан 16,6%и саноат товарлари, 7,3 %и озиқ-овқат махсулотлари, 5,3 %и машиналар

ва транспорт ускуналари. (Импорт таркибида машиналар ва транспорт ускуналари 39,2 % ни ташкил қилади), Монетар бўлмаган олтин экспорти -33,4 % га тенг⁸³.

12-жадвал

Худудлар кесимида экспорт қилинган товарлар, (2023 йил)

	Жами экспорт қилинган товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми (млн.долл.)	ҳудуд бўйича улуши (% да)	Аҳоли жон бошига (Долл.)	Индекс
1. Ўзбекистон Республикаси	24426,2	100	663,8	1,0
2. Қорақалпоғистон Республикаси	338,8	1,4	169,2	0,3
Вилоятлар				
3. Андижон	1157,9	4,7	341,1	0,5
4. Бухоро	292,3	1,2	143,0	0,2
5. Жиззах	173,3	0,7	115,0	0,2
6. Қашқадарё	426,1	1,7	119,7	0,2
7. Навоий	648,1	2,6	602,7	0,9
8. Наманган	558,4	2,3	182,1	0,3
9. Самарқанд	746,2	3,1	181,6	0,3
10. Сурхондарё	217,8	0,9	75,7	0,1
11. Сирдарё	333,2	1,4	364,6	0,5
12. Тошкент вилояти	1858,2	7,6	608,9	0,9
13. Фарғона	678,5	2,8	167,1	0,3
14. Хоразм	296,7	1,2	148,7	0,2
15. Тошкент шаҳри	4964,5	20,3	1632,6	2,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика Агентлиги маълумотлари асосида.

Текстил махсулотлари экспорти 2023 йилда 3050,0 млн доллар бўлган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 3169,0 млн долларга тенг бўлган, ўсиш суръати пасайиб, 96,2 % ни ташкил қилган. Текстил махсулоти экспортининг 41,1 % и пряжа, 41,0 %и тайёр текстил ююмлари, 10,1 %и трикотаж полотноси, 5,8 %и газлама (ткани), ва 2,0 %и пайпоқ буюмлари. Президентимиз 2024 йилнинг июл ойида Бухорога бориб, пахта-текстил кластерлари фаолияти билан танишганда тайёр текстил махсулотлари экспортини 60% га етказиш масаласини қўйилиши бежиз эмас.

Энг кўп экспорт миқдори Тошкент ш. (4964,5), Тошкент (1858,2) ва Андижон (1157,9) вилоятларига тўғри келмоқда. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, ва хоразм вилоятларида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, 0,2 га тенг. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг кўп экспорт миқдорини Тошкент ш. (1632,6), Тошкент (608,9) ва Навоий вилоятларига (602,7) тўғри келишини кўрамиз. Энг юқори индекс фақат Тошкент ш, га (2,5) тўғри келади. Энг паст индексни Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида кўрамиз у 0,2 га тенг.

Кейинги 13-жадвалда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодалавчи кўрсаткичларнинг ҳудудий ва умумий интеграл кўрсаткичлари келтирилган. Ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражасини ЯҲМ индекси, саноат махсулоти, асосий капиталга инвестициялар ва асосий капиталга узлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар индекслари ифодалайди.

Ҳудудлар кесимида тадбиркорлик субъектларини ривожланганлик даражасини билдирувчи индекс курсаткичларга тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат махсулоти, экспорт қилинган махсулотлар миқдори ва узлаштирилган жами инвестицияларни киритиш мумкин. Кичик бизнес субъектларининг ҳудудлар кесимида инновацион фаолият салоҳиятини ифодаловчи

⁸³ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан. За январь-декабрь, 2023года

индекс, бу кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар индекси ҳисобланади.

13-жадвал

**Худудларни иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи
хусусий ва интеграл кўрсаткичлар**

Вилоятлар	Худудлар кесимида ЯҲМ	Худудлар кесимида саноат махсулоти	Худудлар кесимида кичик тадиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат махсулоти ва худудлардаги улуши	Асосий капиталга инвестициялар худудлар бўйича	Асосий капиталга узоқлаштирилган хоржий инвестициялар ва кредитлар худудлар кесимида	Кичик тадиркорлик субъектлари томонидан ўзлаштирилган жами инвестициялар ва худудлар бўйича улуши	Худудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт қилинган товарлар, худуд бўйича улуши	Худудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар,	Худудлар кесимида умумий интеграл кўрсаткичлари
1. Қорақалпоғистон Республикаси	0,6	0,5	0,6	0,6	0,7	0,5	0,2	0,2	3,9
Вилоятлар									
2. Андижон	0,7	1,2	1,0	0,6	0,6	1,2	0,5	0,2	6,0
3. Бухоро	0,9	0,9	1,6	1,6	1,9	3,0	0,3	0,5	10,7
4. Жиззах	0,8	0,7	0,6	1,2	1,3	2,4	0,3	0,1	4,9
5. Қашқадарё	0,6	0,4	0,4	0,6	0,6	0,8	0,1	1,1	4,6
6. Навоий	2,6	5,3	1,5	2,5	3,0	3,6	0,3	2,6	24,1
7. Наманган	0,5	0,4	0,7	0,7	0,7	1,4	0,4	0,2	5,0
8. Самарқанд	0,6	0,5	0,7	0,7	0,5	1,3	0,4	0,4	4,6
9. Сурхондарё	0,5	0,2	0,3	0,7	0,8	1,1	0,3	0,2	4,1
10. Сирдарё	0,8	0,9	1,1	1,8	2,7	3,9	1,2	1,4	13,8
11. Тошкент вилояти	1,2	2,0	1,7	1,5	1,6	1,8	1,0	1,1	11,9
12. Фарғона	0,6	0,5	0,9	0,5	0,5	1,0	0,6	0,4	5,0
13. Хоразм	0,6	0,6	0,4	0,6	0,5	0,8	0,5	0,7	4,7
14. Тошкент шаҳри	0,6	2,3	3,2	2,3	1,6	2,4	2,0	5,6	20,0
Ўзбекистон Республикаси бўйича индекс	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	8,0

Юқори иқтисодий салоҳиятга эга худудларга Навоий вилояти (интеграл индекси-24,1), Тошкент шаҳрини (20,0) ва Тошкент вилоятини(11,9) киритиш мумкин. Бу худудларда инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш орқали инновацион махсулот, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истиқболли ривожланиш йўналишлардан бири деб қараш ўринли. Иккинчи ўринда

интеграл индекси ўртача республика интеграл индексидан (8,0) юқори бўлган Бухоро (10,7) ва Сирдарё (13,8; индексни юқорилиги аҳолини камлиги ҳисобидан) вилоятларини ва интеграл индекси республика индексидан паст бўлсада ривожланиш имкониятига эга бўлган Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Жиззах ва самарқанд ҳудудларидаги истиқболли саноат корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали саноат махсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, тўлиқ қўшилган қиймат занжирини яратиш, натижада шу ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳам истиқболли ривожланиш юўналиши десак бўлади. Қолган ҳудудларда саноатни ривожлантириш ва КЎБ ни қўллаб қувватлаш ёрдамида ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

КЎБни инновацион ривжланишига асосий тўсиқлар бўлиб, инновацион инфратузилмани яхши ривожланмаганлиги, технопарк, бизнес инкубатор, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий лабораторияларнинг сони камлиги, уларни замонавий ускуна ва жихозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, юқори малакали кадрларни етишмаслиги ва инновацион бизнесни паст даражадалиги, инновацион фаолият билан шуғулланиш бўйича тажрибанинг етишмаслиги ҳисобланади.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ҳудудлар кесимида КЎБни фаолият турлари бўйича инновацион махсулот ишлаб чиқариш имкониятларига тасир қилувчи асосий омиллардан бири деб қараш мумкин. Ҳудудлар таҳлили шуни кўрсатдики, қайси ҳудудларда ушбу курсаткичлар юқори бўлса, шу ҳудудларда инновацион махсулот ишлаб чиқариш юқори. Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Бухоро ҳудудларида КЎБ корхоналарини инновацион ривожланиш салоҳияти юқори деб қараш мумкин. Бу ҳудудларда инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, технопарк, бизнес инкубатор, замонавий махсус илмий лабораториялар, трансфер технология ва бошқа илмий марказларни ривожлантириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хорижий, айниқса ривожланган хорижий давлатларда, хусусан Япония, Германия ва Франция давлатларида технопарк, бизнес инкубатор ва бошқа етакчи илмий лаборатория ва ташкилотларда ишлаб нафақага чиққан, ҳали ишлаш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни жалб этиш, корхоналарни инновацион ривожланишига яхши туртки берарди деб ўйлаймиз. Навий шаҳридаги кон-металлургия институтида инновацион инфратузилма элементлари учун мутахассис кадрларни тайёрлашни кучайтириш.

Ўрта даражада иқтисодий ривожланган ҳудудларда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, ва Фарғона ҳудудларида инновацион инфратузилма элементларини барпо этиш ва уларни кадрлар билан таъминлаш асосий масалалардан ҳисобланади;

паст иқтисодий ривожланган Сурхандарё, Наманган ва хоразм ҳудудларда истиқболли КЎБни манзилли қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб жамият учун устувор бўлган соҳаларда махсус дастурлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

Тошкент шаҳрини бошқа барча ҳудудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожлантириш маркази деб қараш ва Тошкентдаги “Яшнобод” инновацион технопаркини илмий-техник ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали уни “Бош” технопаркка айлантирилиши ҳудудларни инновацион ривожланишининг бош омили деб қараш мумкин;

ҳудудларда инновацион фаолият билан шуғулланадиган, янги махсулот ва янги технология жорий қиладиган, экспортбоп махсулот ишлаб чиқарадиган КЎБ

субъектларини, илмий тадқиқот ва тажриба-конструктор ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларини, давлат грантларини, давлат томонидан имтиёзли қарз (лойиҳа амалга оширилса, қарзнинг маълум қисмидан кечиш), субсидия бериш, кредитни субсидиялаш ва бошқа имтиёзларни бошқа соҳалардаги КЎБ субъектларига нисбатан кучайтириш мақсадга мувофиқ, маслаҳат бериш, қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини (бизнес инкубатор, технопарк ва бошқалар) яратишда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш;

мамлакатимизда инновацион иқтисодий ривожлантириш, КЎБ корхоналарида рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, “Имитацион инновациялардан оригинал инновацияларга” ўтиш стратегиясини қўллаш орқали юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда талабгир бўлган махсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўл деб ҳисоблаш мумкин.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Biryukov, VV, Romanenko, EV, Ploskonosova, VP (2016) Кичик ва ўрта бизнес секторини инновацион ривожлантиришнинг ҳудудий механизмлари: қийматга йўналтирилган ёндашув. Jurnal: Indian Journal of Science and Technology, 9 (37), art. no. 102170.

Vokeyev, B., Issenova, A. (2022) Қозоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари: Совид-19 даврида давлат сиёсатини ўрганиш. Jurnal nomi: Innovatsiyalar jurnali, 27 (1), т. уо'қ. 2, .

Kookueva, V., Tsertseil, J. (2022) Инновацион ривожланиш шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ривожланиши. Jurnal nomi: Innovation Journal, 27 (1), art. no. 2, .

Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. (2020) Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь.

Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. (2012) Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. / Актуальные проблемы экономики и права. № 4 (24). С. 143-150.3.

Салимов Ш.Б. (2020) Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш усуллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun.

Сюй Хуэйчжуин (2012). Анализ преимущества имитационной инновации. // Гуманитарные и социальные науки. № 7.

Титов Б. (2018) Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, Электрон ресурс, <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>

Электронный ресурс (2018) Инновационное предпринимательство в Китае. // Фундаментальные Исследования, №10 – с.74-78, <https://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=42283>.